

## ОШҚОЗОН ВА ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРА КАСАЛЛИГИНИНГ ҚАЙД ЭТИЛИШ КҮРСАТКИЧИ ТАҲЛИЛИ

**Г. Б. Ибрагимова, Н. Д. Суюнов**

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси  
e-mail: [gulmiraibragimova1911@gmail.com](mailto:gulmiraibragimova1911@gmail.com), тел.: + 99 890 288 88 00

**Долзарблиги.** Статистика маълумотларига кўра, катталар орасида аҳолининг 10–12 %, асосан 20–50 ёшли инсонлар гастродуоденал яралардан азият чекади. Эркаклар ва аёлларда касалликнинг учраш нисбати тўртга бирни ташкил этади. Ушбу муаммонинг долзарблиги шундаки, касалликни асосий сабаби туфайли ногиронлик эркакларда 68 %, аёлларда 30 % кузатилади [1].

Ошқозон яраси сурункали касаллик бўлиб, қайталанувчи, ремиссия, яъни касаллик белгилари сезиларли даражада заифлашиши ёки йўқолиши билан тавсифланади. Касаллик туфайли ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак деворида нуқсонлар, яралар ҳосил бўлади [2].

**Мақсад.** Ўзбекистон Республикаси бўйича ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигининг абсолют рақамлар, улардан бирламчи аниқланган ташхис билан рўйхатга олинганларини ўрганиш.

**Усул ва услублар.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигининг абсолют рақамлардаги кўрсаткичи, улардан бирламчи аниқланган ташхис билан рўйхатга олинганлар бўйича статистика маълумотлари қиёсий таҳлилидан фойдаланилди.

**Натижалар.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган статистика маълумотларига кўра, 2019-йилда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигининг абсолют рақамлардаги кўрсаткичи, улардан бирламчи аниқланган ташхис билан рўйхатга олинганлар сони 32 244, шундан 14 ёшгача бўлган болалар 5 094, 15-17 ёшли ўсмиirlардаги кўрсаткичи 3 226, катталарда 23 924 нафар bemorlarни ташкил қилди. 2020 йилда биринчи марта ташхис қўйилган bemorlarning абсолют сони 29 158, шундан 14 ёшгача бўлган болалар 5 822, 15-17 ёшли ўсмиirlарда 3 948, катталарда 19 388 нафар bemorlarни ташкил қилди. 2021 йилда биринчи марта ташхис қўйилган bemorlarning абсолют сони 23 950, шундан 14 ёшгача бўлган болалар 3 588, 15-17 ёшли ўсмиirlарда 2 827, катталар 17 535 нафар bemorlarни ташкил қилди. 2022 йилда биринчи марта ташхис қўйилган bemorlarning абсолют сони 19 732, шундан 14 ёшгача бўлган болаларда 2 211, 15-17 ёшли ўсмиirlарда 1 338, катталарда 16 183 нафар bemorlarни ташкил қилди. 2023 йилда биринчи марта

ташҳис қўйилган беморларнинг абсолют сони 18 611, шундан 14 ёшгача бўлган болаларда 2 162, 15-17 ёшли ўсмирларда 1 247 нафар, катталарда 15 202 нафар bemorlarни ташкил қилди.

**Хуносалар.** Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигининг абсолют рақамлар, улардан бирламчи аниқланган ташҳис билан рўйхатга олинган касалликни кўрсаткичини ўрганиш натижасига кўра 2023 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича касалликни қайд этиш сони 2019 йилга нисбатан 42,3 % га камайган. 14 ёшгача бўлган болалар орасида касалликнинг кўрсаткичи 15-17 ёшли ўсмирлардаги кўрсаткичига нисбатан 50 % юқори эканлиги кузатилди.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.**

1. Olimova A. Z. Modern Aspects of the Etiology of Gastric Ulcer and Its Complications // American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences. USA. Volume 01, Issue 03, 2023 ISSN (E): XXX-XXX. – P. 163–166. – P. 163.
2. Чечулин Е.С. Подходы к лечению язвенной болезни желудка и двенадцатиперстной кишки в историческом аспекте // Международный научно-исследовательский журнал. – Екатеринбург, Российская Федерация, 2020. – № 1 (91). – Часть 1. Январь. – С. 83–86. – С. 83. DOI: <https://doi.org/10.23670/IRJ.2020.91.1.017>.